

## **“ТАСДИҚЛАЙМАН”**

## **“Xalq sug’urta” АЖ**

Бош директори в.в.б. Ж.Темиров

XALQ“  
SUG'URTA

"июнь 2022 йил



**“Xalq sug’urta” АЖ Ҳуқуқий ёрдам күрсатувчи ташкilotни аниқлаш  
мақсадида энг яхши таклифни танлаш бўйича эълон қилади!**

Тошкент-2022 йил

1. Жамият фаолиятида юзага келадиган хуқуқий масалалар юзасидан маслаҳатлар, ҳулосалар ва маълумотлар тайёрлаб бериш;
2. Шартномавий-хуқуқий ва талабнома-даъво ишларини юритиш, жамиятнинг мулкий ва бошқа манфаатларини ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш;
3. Хўжалик юритувчи субъектлар ва фуқаролар билан низолар вужудга келганда, мустақил ёки бошқа таркибий тузилмалар билан биргаликда уларни судгача ҳал этиш чораларини кўриш;
4. Тегишли тузилмалар билан биргаликда жамиятнинг дебиторлик ва кредиторлик қарзлари ахволини ўрганиш, уларнинг микдорини камайтириш чораларини кўриш;
5. Шартномавий муносабатлардан келиб чиқадиган низолар юзасидан даъво ишларини юритиш;
6. Давлат органи ва ташкилотининг мулкий ва бошқа манфаатларини хуқуқий ҳимоя қилиш учун зарур бўлган хўжжатларни тайёрлашда ҳамда белгиланган тартибда суд мажлисларида иштирок этиш.
7. Шартноманинг қиймати 95 000 000,00 сўм, шартномага асосан бажарилган ишлар учун тўловлар ушбу суммадан ортиши мумкин эмас.
8. Шартнома муддати 31.12.2022 йилгacha.
9. Шартнома намунаси 1-иловада

Маълумот учун тел: (71) 202 19 66,

1. Ушбу оидатаси, қуруғанинг йозаси Народи Ўзларидан фуқаролар хуқуқий муносабатларини берганда созида.
2. Ижроининг ни роҳими тартиби саёнидан бўлгандыганини кунга доғисто даруданга дар бўйича ишларни изказет вазефсанни бекасини таъминланади.
3. Ижроини харбий уйсизлоста бўйича таъсисда маконига ўзбек тилинчи кимни таъсиснинг 12 (Ун иккى) йарборига изказет беради (Бирта содик тўзуларни билан бирга) оидатаси изказибанади.
4. Ижроини харбий уйсизлоста бўйича таъсисда маконига ўзбек тилинчи кимни таъсиснинг 12 (Ун иккى) йарборига изказет беради (Бирта содик тўзуларни билан бирга) оидатаси изказибанади.
5. Ижроини харбий уйсизлоста бўйича таъсисда маконига ўзбек тилинчи кимни таъсиснинг 12 (Ун иккى) йарборига изказет беради (Бирта содик тўзуларни билан бирга) оидатаси изказибанади.
6. Ижроини харбий уйсизлоста бўйича таъсисда маконига ўзбек тилинчи кимни таъсиснинг 12 (Ун иккى) йарборига изказет беради (Бирта содик тўзуларни билан бирга) оидатаси изказибанади.
7. Адабийи мурасаб бўюний ишларни азотуклар учун бўйича таъсисда маконига ўзбек тилинчи кимни таъсиснинг 12 (Ун иккى) йарборига изказет беради (Бирта содик тўзуларни билан бирга) оидатаси изказибанади.

**ХУҚУҚИЙ ЁРДАМ КЎРСАТИШ ТҮҒРИСИДА  
ШАРТНОМАСИ №\_\_\_\_\_**

« » июнь 2022 йил

Тошкент шахри

“XALQ SUG’URTA” акциядорлик жамияти (*кейинги ўринларда жамият*) номидан жамият устави асосида фаолият юритаётган жамият бош директори С.К.Мамасолиев, бундан кейин “Буюртмачи” деб юритилиб бир томондан ва иккинчи томондан \_\_\_\_\_, бундан кейин “Ижрочи” деб юритилиб қуидагилар хақида Ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш түғрисидаги шартномани туздилар:

**1. Асосий қоидалар**

1.1. Мазкур Ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаси бундан кейин “Шартнома” деб юритилиб Ижрочи Буюртмачининг топшириғи билан ашёвий шаклга эга бўлмаган қуидаги хизматларни кўрсатади:

- Жамият фаолиятида юзага келадиган ҳуқуқий масалалар юзасидан маслаҳатлар, ҳулосалар ва маълумотлар тайёрлаб бериш;
- Шартномавий-хуқуқий ва талабнома-даъво ишларини юритиш, жамиятнинг мулкий ва бошқа манфаатларини ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш;
- Хўжалик юритувчи субъектлар ва фуқаролар билан низолар вужудга келганда, мустақил ёки бошқа таркибий тузилмалар билан биргаликда уларни судгача ҳал этиш чораларини кўриш;
- Тегишли тузилмалар билан биргаликда жамиятнинг дебиторлик ва кредиторлик қарзлари ахволини ўрганиш, уларнинг миқдорини камайтириш чораларини кўриш;
- Шартномавий муносабатлардан келиб чиқадиган низолар юзасидан даъво ишларини юритиш;
- Давлат органи ва ташкилотининг мулкий ва бошқа манфаатларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш учун зарур бўлган ҳужжатларни тайёрлашда ҳамда белгиланган тартибда суд мажлисларида иштирок этиш.

1.2. Мазкур шартномаси Буюртмачи билан Ижрочи ўрталаридағи фуқаровий-хуқуқий муносабатларини тартибга солади.

1.3. Ижрочининг иш режими ҳафтанинг олдиндан белгиланмаган иш куни ва вақтида заруриятга қараб ўзига юқлатилган хизмат вазифасини бажариш шаклида белгиланади.

1.4. Ижрочи ҳар ойда Ўзбекистон Республикасида меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 12 (ўн икки) баробарида хизмат ҳақи (барча солик тўловлари билан бирга) билан таъминланади.

1.5. Хизмат ҳақи Ижрочининг банк картасига ўтказиш орқали амалга оширилади.

1.6. Хизмат ҳақи иш хажминнинг ортиши ёки иш сифатининг яхшиланиши билан боғлиқ ҳолда оширилиши мумкин.

1.7. Буюртмачи мураккаб ҳуқуқий ишлардаги ютуқлар учун ўзининг қарори билан ҳизмат ҳақига кўшимча мукофот белгилаши мумкин.

1.8. Буюртмачи Ижрочи томонидан суғурта товон пули тўлашни рад этиш ёки тўланган суғурта товон пулларини регресс тартибида ундириш каби жамият фойдасига ҳал қилинганд ишлар натижасига қараб, хизмат ҳақига қўшимча равишда жамият томонидан тўлови рад этилган суғурта товон пули ҳамда жамият фойдасига регресс тартибидан ундирилган маблағларнинг 5 (беш) фоизи миқдорида рағбатлантирувчи устама тўлаб беради.

1.9. Хизмат ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар кейинги ойнинг 5 (беш) иш кунидан кечикмаган ҳолда тўланади.

1.10. Буюртмачи хизмат сафари ва бошқа харажатларни Ижрочининг асосланган билдиришномаси асосида қоплаб бериши мумкин.

1.11. Шартноманинг умумий қиймати 95 000 000 (тўқсон беш миллион) сўмни ташкил этиб, шартномага асосан бажарилган хизматлар учун тўлов ушбу суммадан ошиши мумкин эмас.

## 2. Томонлар ҳуқуқлари

### 2.1. Ижрочининг ҳуқуқлари:

2.1.1. Ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун зарур бўлган хужжатлар ва маълумотларни Буюртмачидан талаб қилиш;

2.1.2. Буюртмачининг ҳуқуқий масалаларга тегишли йиғилишлар ва мажлисларда иштирок этиш;

2.1.3. Суғурта даъволари билан ишлаш, суд ищларини юритиш, жамият номидан судларда иштирок этиш, МИБ ва бошқа органларда вакиллик қилиш;

2.1.4. Берилган (мавжуд) ҳуқуқлар ва маблағлар доирасида Буюртмачи томонидан белгиланадиган ҳақ, устама, мукофот ва рағбатлантирувчи тўловларни олиш;

2.1.5. Ижрочи амалдаги қонун хужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

### 2.2. Буюртмачининг ҳуқуқлари:

2.2.1. Ижроидан ишни бориши ҳақидаги маълумотларни талаб қилиб олиш;

2.2.2. Ушбу шартнома асосида белгиланган хизмат турларини ўз вақтида ва сифатли бажаришни Ижроидан талаб қилиш;

2.2.3. Ижроидан шартнома шартларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик натижасида етказилган заарни талаб қилиш;

2.2.4. Берилган (мавжуд) ҳуқуқлар ва маблағлар доирасида ўзи томонидан белгиланадиган ҳақ, устама, мукофот ва рағбатлантирувчи тўловларни Ижроига тўлаш;

2.2.5. Буюртмачи амалдаги қонун хужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

## 3. Томонлар мажбуриятлари

### 3.1. Ижрочининг мажбуриятлари:

3.1.1. Буюртмачи томонидан мазкур шартномага асосан юклатилган вазифаларни амалдаги қонунчилик талабларига риоя қилган ҳолда амалга ошириш.

3.1.2. Буюртмачи худудида меҳнат муҳофазаси ва техника ҳавфсизлиги қоидаларига риоя этиш.

3.1.3. Буюртмачининг ишончномаси ва топшириғи асосида суд ишларини юритиш.

3.1.4. Буюртмачининг мулкий ва бошқа манбаатларини ишончли лозим даражада ҳимоя қилинишини таъминлаш.

3.1.5. Буюртмачининг иқтисодий, техник ва тижорат сири ҳисобланган маълумот ва ҳужжатларини ошкор этмаслик, уларни учинчи шахсларга бермаслик. Қонун ҳужжатларида белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

3.1.6. Ижрочига амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам юклатилиши мумкин.

### *3.2. Буюртмачининг мажбуриятлари:*

3.2.1. Хизмат хақини мазкур шартномада белгиланган миқдорда, тартибда ва муддатда тўлаш.

3.2.2. Иш бажариши учун зарур бўлган ҳужжатлар нусхаларини ҳамда маълумотларни тақдим қилиш.

3.2.3. Хизмат сафари, транспорт ҳаражатлари ҳамда Буюртмачининг топширикларини ижро қилиш жараёнидаги асослантирилган ҳаражатларни қоплаб бериш.

3.2.4. Буюртмачи амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

## **4. Хизматларни топшириш-қабул қилиш тартиби**

4.1. Ижрочи ушбу шартномада назарда тутилган хизматларни шахсан ўзи кўрсатиши шарт.

4.2. Хизматлар кўрсатилгандан сўнг Ижрочи Буюртмачига кўрсатилган хизматларни топшириш-қабул қилиш далолатномасини тақдим этади ва унга ҳисобот ҳужжатларини илова қиласди.

4.3. Хизмат натижаларидан кўниkmаган Буюртмачи далолатномани олган пайтдан бошлаб уч кун ичida асослантирилган ҳолда Ижрочига хизматларни қабул қилишдан бош тортиши мумкин.

4.4. Буюртмачининг радномаси асосли деб топилган тақдирда, тарафлар икки томонлама далолатнома тузадилар ва унда қўшимча кўрсатилиши лозим бўлган хизматлар рўйхати ва уларни бажариш ёки бажаришни тўхтатиш муддатларини кўрсатадилар.

4.5. Хизматларни кўрсатиш жараёнида уларни давом эттириш имконияти йўқлиги ёки мақсадга мувофиқ эмаслиги аниқланган тақдирда, Буюртмачи бу ҳақда Ижрочини хабардор қилиши ва у билан бирга зарурий чораларни кўриши шарт.

## **5. Шартнома шартларини ўзгартириш ёки бекор қилиш**

5.1. Мазкур шартнома талаблари ва шартлари бажарилмаган тақдирда Буюртмачининг ташаббуси билан ушбу шартнома бекор қилинади.

5.2. Мазкур шартномага ўзгариш ва қўшимчалар киритиш томонларнинг ёзма тарздаги розилиги билан киритилади бу ёзма хужжат ушбу шартномага қўшимча битим тарзида расмийлаштириш ва унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

5.3. Ушбу шартнома муддати тугамасдан олдин ҳар икки томон бошқа томони 15 кун аввал ёзма равищда огохлантирилган ҳолда, ушбу шартномани бир томонлаама бекор қилиш ҳуқуқига эга.

## **6. Тарафларнинг жавобгарлиги ва низоларни ҳал этиши тартиби**

6.1. Ижрочи ушбу шартнома шартларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда, у келтирган заарни Буюртмачига тўлаши шарт.

6.2. Томонлар ушбу шартнома бўйича юзага келган низоларни келишувга асосан музокара йўли билан ҳал этадилар.

6.3. Музокара йўли билан ҳал этилмаган масалалар қонунчиликда кўзда тутилган суд орқали ҳал этадилар.

## **7. Якуний қоидалар**

7.1. Ушбу шартномада кўзда тутилмаган ҳолатлар бўйича томонлар амалдаги қонунчиликка асосан фаолият юритадилар.

7.2. Ушбу шартнома томонлар имзолаган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йил «31» декабрга қадар амал қиласди.

7.3. Шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусҳада тузилди ва томонларда бир нусхадан сакланади.

## **8. Томонларнинг манзиллари ва имзолари**

“Буюртмачи”	“Ижрочи”
<p>“XALQ SUG’URTA” АЖ Манзил: Тошкент шахри, Яккасарой тумани, Шота Руставели кўчаси 9-уй; х/р: 2021 6000 3049 1548 5001 МФО: 01132, СТИР: 207119228</p> <p>С.К.Мамасолиев</p>	

